



## ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аймуратов Берик Карлыбаевич**

Судьялар олий мактаби тингловчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7844340>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-april 2023 yil  
Ma'qullandi: 15-april 2023 yil  
Nashr qilindi: 19-april 2023 yil

### KEY WORDS

*жинойй фаолият,  
легаллаштириш, даромад,  
мол- мулк, шахс, юридик.*

### ABSTRACT

*Мақолада жинойй фаолиятдан олинган дароматларни легаллаштириш жиноятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.*

Ҳозирги кунда жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятини халқаро ҳамжамият томонидан трансмиллий жиноят деб эътироф этилганидан ташқари, содир этилиши натижасида халқаро ҳамжамият учун алоҳида аҳамият касб этиши мумкин бўлган оқибатлар келтириб чиқариши ва жинойй хатти-ҳаракатлар халқаро мажбуриятларнинг бажарилмаслиги натижасида амалга оширилиши, жиноятнинг олдини олиш ва қарши курашда биргаликда (халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликда) фаолият олиб бориш зарурияти туфайли трансмиллий характердаги жиноят сифатида эътироф этилади.

“Жинойй даромадларни қуйдаги шаклларда ошкорлаштириш мумкин:

- жинойй фаолият натижасида олинган мулкни ўтказиш;
- мулкка айлантириш;
- алмаштириш;
- жинойй фаолият натижасида олинган мулкнинг асл хусусиятини, мабаини, турган жойини, тасаруф этиш, ташилиш усулини, мулкка нисбатан ҳақиқий эгалик ҳуқуқининг ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёки сир сақлаш”.

Яъни, шахс мазкур жиноятни содир этаётганда жинойй йўл билан топилган даромадни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, жинойй йўл билан топилган даромадни асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасаруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш мақсадида содир этилади. Масалан, шахс гиёҳвандлик, порахўрлик, одам савдоси ва бошқа жиноятлар натижасида жинойй даромадга эга бўлиб, мазкур даромадни келиб чиқишига қонуний тус бериш мақсадида яъни ушбу маблағларни эркин тасаруф этиш мақсадида қиймати юқори бўлган кўчмас мулкни арзон қийматда

расмийлаштириб сотиб олади. Сўнгра ушбу кўчмас мулкни бир неча ўн баравар қиммат нархга расмийлаштириб сотади. Амалда мулкни текинга ёки арзон нархда беради. Бундай ҳолда шахс расман шартнома нархидаги мулкни легаллаштиради. Яъни, жиноий йўл билан топилган даромадга қонуний тус беради, унинг келиб чиқиш манбасини яширади. Ушбу мисол жиноий йўл билан топилган даромадни легаллаштиришга мисол бўлади ва шахс қасддан ушбу ҳаракатларни жиноий даромадини легаллаштириш мақсадида содир этади.

Қайд этиш лозимки, ҳар қандай жиноий даромадни ўтказиш даромадларни легаллаштириш таркибини бермайди. Бу ҳақида юқоридаги Пленум қарорида қуйидаги тушунтириш берилган. “Судлар даромадларни легаллаштиришни жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятидан фарқлашлари лозим. Жумладан, жиноят (масалан, ўзганинг мулкни талон-торож қилиш) натижасида топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, агар бундай мулкка қонуний эгалик кўриниши берилмаётган бўлса (масалан, техник паспорт ёки ўғирланган автомобилни сотиш учун бериладиган ишончнома қалбакилаштирилган), даромадларни легаллаштириш (ЖКнинг 243-моддаси) таркибини ташкил этмайди.

Ишнинг муайян ҳолатларидан (жумладан, талон-торож қилинган мулк билан амалга оширилган битим олдида кўйилган мақсаддан) келиб чиққан ҳолда бундай ҳаракатлар ўзганинг мулкни талон-торож қилишда иштирокчилик (ёрдамчи шаклида) ёки жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш (ЖКнинг 171-моддаси) сифатида, бунга асослар мавжуд бўлганда эса, ҳужжатларни қалбакилаштириш сифатида ҳам квалификация қилиниши мумкин” деб тушунтириш берилган. Яъни, ушбу тушунтиришда шахс жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказишда ушбу мулкни келиб чиқиш манбасини ўзгартиришга ҳаракат қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида қуйидагича тушунтириш берилган. “Жиноят кодексининг 243-моддаси мазмунига кўра, даромадларни легаллаштириш деганда, айбдор томонидан жиноий фаолият натижасида орттирилган мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк)нинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши тушунилиши лозим. Мулк объекти сифатида бундай ҳолларда Фуқаролик кодексининг 169-моддасида назарда тутилган ҳар қандай мулк бўлиши мумкин. Бундай мулкка қонуний тус бериш пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан, одатда, молиявий операциялар ва бошқа битимлар амалга оширишда ифодаланади. Молиявий операцияларга капитал маблағларни ҳаракатлантириш юзасидан амалга ошириладиган операциялар, жумладан, пул маблағларини ҳисобга киритиш, уларни турли банклардаги жамғарма ҳисобварағларига бўлиб жойлаштириш, бошқа валютага ўтказиш, қонунсиз топилган пулларга қимматли қоғозлар сотиб олиш, пул маблағларини банкдаги жамғарма ҳисобварағига қайтариш мақсадида чегарадан ташқарига чиқариш тушунилади. Битимлар орқали содир этиладиган легализация деганда, фуқаролик ҳуқуқидаги сингари тузиладиган олди-сотди, қарз, ҳадя, гаров, ижара, айрибошлаш ва ҳ.к. шартномалар тузилиши тушунилади” – деб белгиланган. Фикримизча, жиноий даромадларни легаллаштиришда айбдор юқоридаги операцияларни ёки битимларни амалга ошириётганда унинг ҳаракатларида жиноий

йўл билан топилган даромадни легаллаштириш мақсади борлиги исботланиши лозим. Ушбу қасдни исботланмаслиги эса шахсни фақатгина жиноий йўл билан топилган мулкни қўлга киритишга асос бўлган жиноят учун (предикат) жавобгарликка тортишга асос бўлади. Масалан, шахс ўғирлик жиноятини содир этиб, кўп миқдордаги пулни қўлга киритди ҳамда ушбу пулга машина сотиб олди. Мазкур ҳолатда шахс кўп миқдордаги пулни жиноий йўл билан қўлга киритган бўлсада, у сотиб олган машина жиноий даромадни легаллаштириш ҳисобланмайди. Чунки, бу ерда шахснинг қасди жиноий йўл билан топилган мулкка қонуний тус беришга қаратилмаган. Яъни, шахс сотиб олган машинасини қонуний манбасини ушбу ҳолатда кўрсатиб бера олмайди. Аксинча, агар ўғирлик натижасида кўп миқдордаги пулни қўлга киритган шахс ўша пулни машина сотаётган одамга бериб, машинани ҳады шартнома тузиш орқали олганда ҳамда шахс ушбу ҳады шартномасини тузишдан мақсади жиноий даромадини легаллаштириш эканлиги аниқлансагина, жиноий даромадни легаллаштириш учун жавобгарликка тортиш керак.

Жиноий йўл билан топилган даромад ва ушбу даромад натижасида қўлга киритилган мулк қонуний эгасига қайтарилади ёки конфискация қилинади. Бу ҳақида Олий суд Пленуми юқоридаги қарорининг 7-бандида қўйидаги тушунтириш берилган. “Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, даромадларни легаллаштиришдан олинган мулк ЖПК 211-моддаси 5-бандига кўра, ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноят предмети ҳисобланади ва Фуқаролик кодекси 204-моддасига асосан жисмоний ёки юридик шахсга жиноят натижасида етказилган моддий зарар қоплангандан сўнг конфискация қилиниши керак. Агар шахсни ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айблаганга доир ишни кўриш чоғида пул маблағлари ёки мулкнинг муайян қисми жиноий йўл билан орттирилмаганлиги аниқланса, улар ЖПК 211-моддаси 4-бандига асосан қонуний эгасига қайтарилиши лозим”. Мазкур тушунтириш юқорида юқорида келтирилган Вена конвенциясининг 5-моддаси қоидаларига ҳам мос келади. Демак, ЖКнинг 243-моддаси бўйича легаллаштирилган мулкни конфискация қилишда мазкур мулкни жиноий йўл билан орттирилмаган қисми қонуний эгасига қайтарилган ҳолда махсус ваколатли органлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан назарда тутилган таваккалчиликларни ўрганиб, таҳлил қилиб жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятларига доир чораларни йилига камида бир марта кўриши лозим. Жиноий йўл билан топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назорат қоидаларида белгиланган мезонлар ва белгиларга мувофиқ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш ёхуд оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция шубҳали операция, деб топилиб пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар шубҳали операциялар тўғрисидаги хабарларни, шу жумладан уларни амалга оширишга бўлган уринишлар тўғрисидаги хабарларни улар аниқланган кундан кейинги бир иш кунидан кечиктирмай махсус ваколатли давлат органига белгиланган тартибда юбориши зарур. Жиноий

фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш мақсадида портловчи моддаларни тегишли рухсатномага эга бўлмаган ташкилотларга реализация қилиш ёхуд ташиш учун тақдим этишнинг тақиқланиши лозим.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти жиноий гуруҳ, жиноий уюшма ва терроризмни молиялаштириш, терроризм, коррупция жиноятлари ва “хуфёна” иқтисодий ривожланишига кенг имкониятлар яратиши, криминал маблағнинг қонуний иқтисодийга кириб келиши, шунингдек жиноятчиларга жиноий йўл билан топилган даромадларига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш имкониятларини яратиш орқали ижтимоий манфаатларга таҳдид солади.

Мамлакатимизда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши қаратилган кенг ислохотлар олиб борилишига қарамасдан, бу соҳада илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган муаммолар мавжуд. Ўзбекистон Республикасида қонунга хилоф равишда олинган даромадларни ошкорлаштиришга қарши кураш жиддий масала ҳисобланади. Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш қарши курашиш жаҳон миқёсида долзарб масалага айланган. Энг асосий муаммолардан бири, бу жиноий даромадларни легаллаштириш ҳажми у давлатга ва жамиятга етказётган зараридир.

Жиноий даромадларни легаллаштириш жамиятда коррупция иллатлари, мол-мулкни офшор зоналарни ишлатган ҳолда олиб чиқиб кетиш, хўжалик юритувчи субъектлар ва банклар томонидан фойдасини яшириш, солиқлардан бўйин товлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Жиноий даромадларни легаллаштириш илллати Республика ҳудудига инвестицияларни жалб қилинишига салбий таъсирини кўрсатиб, Ўзбекистон иқтисодийига инвестицияларни кириб келишига тўсқинлик қилиб келаётган асосий факторлардан бири ҳисобланади. Маълумки, хуфёна, яъни яширин иқтисодий муаммоси бугунги кунда муаммоли масалаларга айланиб бормоқда. Чунки бу салбий ҳодиса ҳар бир давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига путур етказувчи омилдир. Легаллаштириш – бу ноқонуний йўллар билан топилган пул ва бошқа мол-мулкларни легаллаштириш, иқтисодий жиноятлардан бири бўлиб, дастлабки капитални йиғиш воситаси сифатида коррупция, манфаатпарастликни юзага келтирди. Бу эса ҳозирги даврида етарли даражада миллий қонун билан тартибга солинмаганлиги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг қўлида ноқонуний капиталнинг тўпланишига шароит яратди. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини ёхуд пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавfli қилмишдир. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ошкора даромад манбаи бўлмасида, улар ўз реал даромадларидан бир неча бор юқори бўлган йирик миқдордаги пул маблағи билан операция ўтказиши, кўчмас мулк сотиб олиши ва бошқа харидларни амалга ошириши бунинг барчаси легаллаштириш белгиларидир. Жиноят қонунчилигида ушбу жиноятнинг бевосита

тажовуз предмети, жиноий даромадларни легаллаштиришнинг вужудга келиш сабаблари ва унинг салбий оқибатлари ҳозирги кунгача тўлиқ ўрганилмаган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш (легаллаштириш) жинояти учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, яъни жиноий фаолият натижасида топилган мулкни ўтказиш, мулкка айлантириш ёки алмаштириш, шунингдек жиноий фаолият натижасида олинган мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, мулкка нисбатан ҳақиқий эгалик ҳуқуқининг ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёки сир сақлаш жавобгарликка тортилади. Ушбу жиноятни объекти республика иқтисодий фаолияти, жамоат хавфсизлиги ҳисобланади. Жиноят предмети айбдорнинг жиноий фаолияти натижасида олинган пул маблағлари ёки бошқа мулк ҳисобланади. Обьектив томондан жиноят жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштиришда, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) келиб чиқишига турли восита ва услублар билан қонуний тус беришда ифодаланади. Биринчидан, молиявий операциялар; иккинчидан, олди-сотди битими, займ (қарз), кредитлаш; учинчидан, ишбилармонлик фаолияти; тўртинчидан, қалбаки иқтисодий фаолият (сохта фирма ва корхона очиш).

Юқоридаги муаммолардан бири жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятни тавсифидир.

Жиноятнинг тавсифи-ҳодисанинг бўлиши мумкин бўлган эҳтимолли информацион модели ҳисобланиб, тахминий хулоса чиқариш, тергов версиясини олға суриш учун асос бўлади. Жиноят тавсифи ўзига хос вазифани бажаради: у бўлиш эҳтимоли мумкин бўлган ҳодисанинг информацион моделини яратиш имконини беради. Бундай модел эса жиноятларни тез очиш, жиноятларнинг олдини олиш ва тергов қилишининг бошқа вазифаларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят тавсифи таркибини муайян элементлар ташкил этиб, унинг мазмунини жиноят ҳуқуқий, жиноят процессуал, криминалистик, криминологик, психологик, шунингдек жиноятнинг бўлиши мумкин бўлган эҳтимолли моделини тиклашга қаратилган бошқа маълумотлар ташкил этади. Шу сабабли жиноятнинг тавсифи жиноятга нисбатан бериладиган криминологик тавсифлардан кўра кенгроқдир.

Жиноят тавсифининг элементлари барча жиноятлар учун бир хил бўлмай, жиноятнинг типга оид хусусиятларига қараб турлича бўлади.

Тавсифнинг айрим элементлари акс этмаган, яъни жиноятчи ва жабрланувчининг шахси каби муҳим белигилар назардан четда қолдирилган.

Шубҳасизки, жиноят тавсифининг умумий назариясидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятининг ўзига хос криминалистик тавсифини ишлаб чиқишда фойдаланиш зарур.

Хорижий мамлакатларда ҳам жиноий даромадларни легаллаштириш учун жавобгарлик нормалари белгиланган. Хусусан, Россия Федерацияси Жиноят кодексига легализация учун иккита модда бўйича жавобгарлик белгиланган. Жумладан, РФ ЖКнинг 174-моддаси “бошқа шахс томонидан содир этилган жиноят натижасида қўлга киритилган пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш” деб номланса, 174<sup>1</sup>-моддаси “жиноят содир этган шахс томонидан пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш” деб номланади. Яъни, Россия Жиноят кодексига ўзи томонидан содир

этилган жиноят натижасида топилган мулкни легаллаштириш билан, бошқа шахс жиноят содир этиши натижасида топилган мулкни легаллаштириш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган.

Хулоса қилиб айтганимизда, бир қатор олимлар ва амалиётчиларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг жиноий фаолият натижасида олинган мол-мулкни топшириш, конверсия қилиш ёки алмаштириш, шунингдек асл моҳиятини, манбасини, келиш йўлини ва манбасини яшириш ёки яшириш орқали эгалик қилиш, мулкка ёки унинг мулкига нисбатан асл ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш, агар бундай мулк жиноий фаолият натижасида олинган бўлса, объектив томон деб ҳисоблаш даркор. Бу эса ўз навбатида жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш жиноятлари учун суд ҳукм чиқаришда энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи аломатларни борлигини ҳисобга олувчи жараён эканлиги аниқдир

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси”даги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Адолат, 2019. 671 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Адолат, 2019. 527 б
4. Волеводз А.Г. Международный розыск, арест и конфискация полученных преступным путем денежных средств и имущества (правовые основы и методика) – М.: Юрлитинформ. 2013, - 477 с.
5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик университети. Н.Салаев, Г.З.Тулаганова (юридик фанлар доктори, профессор). Монография. – Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг ҳуқуқий жиҳатлари 18 б.